



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 210 (13.543)

Баҳоси эркин нарҳда

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИЛИГИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 октябрь куни соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасидаги ислохотлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ва Бош вазир ўринбосари, тегishли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз жорий йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш масаласига бағишлаб уч марта видеоселектор йиғилиши ўтказди. Тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одамларда ҳақли эътироз уйғотётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди, шу йўналишда амалга оширилаётган дастурлар ижроси атрофида кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таширфлари чоғида шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларидаги шaroитлар билан беvosита танишиш, замонавий клиникалар қуриш бўйича топшириқлар берди.

Соҳани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар қўлими ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шошилинч тиббий ёрдамни такомиллаштириш, бirlамчи тиббиёт тизимини янада яхшилаш, хусусий сектор ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда тегishли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Бirlамчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштиришга оид қарор ижроси доира-сида 793 қишлоқ врачлик пункти неғизида қишлоқ oilавий поликлиникаси, 441 тез тиббий ёрдам шохбосчаси ташкил этилди. Фаолияти тугатилган 658 қишлоқ врачлик пункти бинаolari хизмат уйи сифатида фойдаланиш учун шифокорларга берилди. Бундан ташкари, қишлоқ oilавий поликлиникаларида 5 турдаги ва Тошкент шаҳар oilавий поликлиникаларида 10 турдаги тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилди. Birlamчи тизимда кадрлар таъминотини яхшилаш мақсадида жорий йилда тиббиёт йўналишидаги oliй ўқув юрталарининг бакалавриатурига босқичини би-тирган 3 минг 197 ёш мутахассиснинг 79 фоизи бirlamчи тизимга ишга юборилди.

Қилинган ишларнинг натижаси қандай бўла-пти, одамлар бундан қай даражада фойда-ланмоқда, деди Шавкат Мирзиёев. Аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўпчилигини кўрсатмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ҳудудларда етарли даражада эмас-лиги oilдимизда турган долзарб муаммолар-дан бири. Тан олиш керак, ҳудудлардан юқори технологияли тиббий ёрдам олиш учун Тошкент шаҳрига келиш аҳоли томонидан қўллаб-эътирозларга сабаб бўлмоқда, деди давлати-миз раҳбари.

Йиғилишда ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида вилоятларда ишлаш ташаб-буси билан чиққан етакчи мутахассислардан 134 номзод танлаб олингани қайд этилди. Улар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказла-рига, жумладан, болалар шифохоналари, эн-докринология, кардиология, силга қарши, тери-таносил диспансерлари, онкология мар-кази филиаллари, юқумли касалликлар ши-foxоналарига ишлаш учун юборилди.

Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўла-ётган долзарб масалалардан бири – бу тез тиббий ёрдам хизмати билан боғлиқ, деди Президентимиз. Бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Транспор-т воситалари ҳали етарли эмас, дори-дармон таъминотида уз-лишлар мавжуд.

2016 йилда 806 тез тиббий ёрдам станцияси ва кичик станцияси фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 2 минг 100 дан ошди. Табиийки, бу ҳар бир қаҳиранинг ўз вақтида келишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар билан бирга, аҳолининг маъзкур хизматдан фойдаланиш борасидаги маданиятини оши-риш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Жаҳон тиббиёти oilида турган долзарб ма-салалардан бири ижтимоий касалликлардир. Мамлакатимизда сил, психиатрия, тери-тано-сил, онкология хасталиклари бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди ва Президент қарор-лари қабул қилинди.

Республика ихтисослаштирилган марказла-рининг вилоятларда филиаллари ташкил этил-моқда. Чет эл клиникаларида фаолият юрита-ётган 50 дан ортқ ватандошимиз юртимизга қайтарилди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан тиббиёт соҳасида бакалаврият таълим йўналишларида ўқш мuddати 7 йилдан 6 йил ва "тиббий профпактика" йўналишида 6 йилдан 5 йил этиб белгилангани мамлакатимиз тиббий таъ-лим тизимини жаҳон стандартларига мослаш-тириш, жойларда кадрлар таъминоти яхшила-

ниши ва давлат бюджети маблаглари мақсад-ли сарфланишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини та-комиллаштиришга оид фармойиши доирасида 8,4 минг нафар ногирон протез-ортопедия мах-сулотлари билан, 9,3 мингдан зиёд эҳтиж-манд фуқаро реабилитация техник воситалари билан бепул таъминланди. Шунингдек, 23 минг-дан зиёд 1941-1945 йиллардаги уруш фаҳрий-лари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногирон-лар санаторийларда бепул дам олдирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий сек-торини ривожлантиришни такомиллаштириш-га оид қарор билан хусусий тиббиёт муассас-салари шугулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик турлари 50 тадан 126 га қўлай-тирилди. Натижада Тошкент шаҳрида Жану-бий Корея, Хиндистон, Туркия, Жиззах шаҳ-рида Жанубий Корея, Фарғона, Қарши ша-ҳарларида ва Қумқурғон туманида Хиндистон каби давлатлар билан қўша клиникалар таш-кил этилмоқда. Ўтган 9 ой мобайнида хусу-сий тиббиёт муассасалари яна 400 дан зиёд-га қўлайиб, уларнинг sonи 3 минг 860 дан ошгани хусусий тиббиёт муассасаларига бе-рилаётган кенг имтиёз ва преференциялар самарасидир.

Жорий йилда "Ўзфармсанот" акциядорлик концерни томонидан 76 анги махсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш 2011 йл-даги нисбатан 4 марта ўсди.

Фармацевтика соҳасида янги, юқори те-хнологияларга асосланган махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун Ўзбекистон тик-ланиш ва тараққиёт жағмармасидан 250 мил-лион доллар миқдориди кредит ресурслари ажратилди. Умумий қиймати қарийб 400 мил-лион долларга тенг бўлган 70 дан ортқ ин-вестиция лойиҳаларини амалга ошириш бо-сланиб, уларнинг 33 таси жорий йилда ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбарининг "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сидарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бустончиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши, аввало, юртимизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чи-қарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзини-мизда ишлаб чиқаришдан юқори сифатли препарат-лар билан тўлдириш имкониятларини кенгай-тиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, дори-дармон ва тиббиёт буюмларини экспорт қилиш ҳажмини янада оширади.

Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ишлар ўз самарасини бера бошлади. Масала-н, фармацевтика махсулоти экспорти 40 фо-изга оширилишига эришилди, юқори техно-логиялар жорий қилиниши эвазига ҳар бир ишчига ишлаб чиқариш самарадорлиги 35 фоиз ўсди. Маҳаллий фармацевтика корхона-лари томонидан ишлаб чиқарилаётган дорил-лар тури 2 минг 300 дан ошди.

Йиғилишда соҳада ўз ечимини қутаётган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ху-сусан, аynиқса, қишлоқ жойларда тизимли па-тронаж камрови сифатини яхшилаш, бirlamчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг стационар муассасалар билан ҳам-корлигини таъминлаш зарурлиги таъкидлан-ди. Мутасаддиларга соҳада хусусий секторни янада ривожлантириш бўйича тегishли кўрсат-малар берилди.

Тез тиббий ёрдам хизматини янада та-комиллаштириш, скрининг марказлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган протез-ортопедия махсулотла-ри, реабилитация техник воситалари сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қара-тилди. Соғлиқни сақлаш объектларида қури-лиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смет-а ҳужжатлари сифати, хусусий тиббиёт соҳа-сига чет эл инвестицияси ва юқори малакали мутахассисларнинг жалб этиш ишлари ислох қилиниши лозим.

Аҳолини патронаж ва тизимли диспансери-зация билан тўлиқ қамраб олиш, она ва бола скрининги ҳамда тиббий-генетик хизматни яна-да такомиллаштириш ва ушбу хизматларни аҳолига яқинлаштириш мақсадида 2018-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини иш-лаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда тиббиёт ҳодимларининг мала-каси ва шахсий маъсулияти масаласи жиҳидий танқид қилинди. Соҳадаги камчиликларни бар-тараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тиз-имининг давлат ва хусусий секторидида барча мутахассислар фаолиятини лицензиялаш тиз-имини татбиқ этиш назарда тутилган.

Йиғилишда соҳа oilида турган долзарб ва-зифалар белгиланди. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига тегishли топшириқлар берилди.

Мухтарам халқаро конференция қатнашчила-ри!

Ҳурматли меҳмонлар!

Сизларни табаррук Ўзбекистон заминидида қут-лаш ва ўзининг қўқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни изҳор этишдан гоят хурсандман.

Бугунги анжуман Озарбайжон Республикаси Президенти, мухтарам Илҳом Гейдарович Алиевнинг 2017 йилни Озарбайжонда Ислom бир-дамлиги йили, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусига ҳамоҳанг экани билан эътиборга са-зовордир.

Шу муносабат билан биз Ўзбекистонда дўст Озарбайжон Президентининг ташаббусини юк-сак баҳолашимизни таъкидлашни истардим.

Маълумки, бизнинг Ватанимиз минг йиллар давомидида турли цивилизациялар мулоқотга ки-ришган ва бир-бирини тўлдирган Буюк Илак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган. Бу за-минда турли маданият ва дин вакиллари тинч-тотув ва ҳамжиҳатликда яшаган. Мусулмон ду-нёси тараққиётда улкан роль ўйнаган халқимиз менталитетининг асосини том маънодаги бағри-кенглик, олиханоблик ва эзгулик каби фазилат-лар ташкил этади.

Мовароуннахрининг гўзал ва бетакорр шаҳар-лари, аввало, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива кўп асрлар давомидида ислом илм-фани, мадания-ти ва бутун мусулмон цивилизациясининг мар-казлари сифатида шуҳрат қозонган. Бу саховат-ли заминдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муъин Насафий, Бурҳо-ниддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби кўплаб буюк аллома ва азиз-авлиёлар етилиб чиқди.

Инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган му-сулмон Ренессанси ана шу буюк аждодларимиз-нинг диний бағрикенглик ва инсонпарварлик бо-расидаги эзгу гоялари билан йўрилган эди. Бу го-ялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон муста-қиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъ-но-мазмун касб этиб бормоқда.

Мамлакатимизда бағрикенглик маданиятини юксалтириш, миллатлар ва конфессиялараро ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда тарбия-лаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари-

дан бири сифатида белгиланди ва бундай ёнда-шув ижобий натижа бермоқда.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан зиёд мил-лат ва элат, 16 та конфессия вакиллари тинч-тотув, дўст-иноқ бўлиб яшамоқда. Уларнинг тўла-қонли маънавий ҳаёт кечириши, ўз анъана ва урф-одатларини ривожлантириши, миллий ва диний байрамларини нишонлаш учун барча ша-роитлар яратилган.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 94 фои-зи асосан сунний мазҳабга мансуб мусулмон-лардир. Уларнинг орасида шиъа мазҳабига ман-суб юртдошларимиз ҳам бор, лекин бу икки мазҳаб вакиллари ўртасида ҳеч қачон низо ва зиддиятлар юзга келмагани эътиборга молик-дир. Бизнинг кўп миллатли ва кўп конфессия-ли жамятимизда ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш бугунги кун-да Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси-нинг асосий йўналишларидан бири ҳисоблана-ди.

Ўйлайманки, бу масала айнан бугунги кунда, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ва ра-дикализм кучайиб, диний экстремизм ва терро-ризм тобора авж олиб бораётган ҳозирги вақтда аynиқса муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Шу маънода, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамб-леясининг 72-сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолю-цияни қабул қилиш ташаббуси билан чиққани қўқур мантйқий асосга эгадир. Зеро, муқаддас динимиз бағрикенгликка, эзгу амаллар ва бахту саодатга олиб борадиган йўл айнан маърифат эканини алоҳида уқтиради.

Ислom динининг тинч-осойишта ҳаётга, бошқа халқларга ҳурмат, меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этадиган асл инсонпарварлик моҳиятини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этишга Ўзе-бекистонда катта аҳамият берилмоқда. Мамлака-тимизда Тошкент ислом университети, Тошкент ис-лом институти, Бухоро шаҳрида Мир Араб ислом институти, 9 та мадраса фаолият кўрсатмоқда, пойтахтимизда Ислom цивилизацияси маркази, Са-марқандда эса Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚЛАРАО ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 18 октябрь куни "Ислom ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида" мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

"Виждон эркинлиги ва диний таш-килотлар тўғрисида"ги Қонун асо-сида виждон эркинлиги қанфолатлан-ди. Диний билимларини ўрганиш, диний амалларни бажариш учун кенг эркинлик ва шароитлар яратилди. Қуръони карим ва унинг тафсирла-ри, ҳадислар ва бошқа муқаддас ки-тоблар ўзбек тилида минглаб нус-халарда нашр этилмоқда. Улуг аж-додларимиз қадимжолари обод эти-либ, таваллуд айёмлари халқаро миқёсда нишонланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқимизнинг маънавий меросини қадрлаш, маърифий ис-лом динини ривожлантиришга ало-ҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк алломаларимиз асарларини ўрганиш ва чоп этиш, қадимжоларини обод этиш борасида кенг қўлламли иш-лар амалга оширилмоқда.

Сурхондарё вилоятидаги Имом Термизий, Қашқадарё вилоятидаги Абу Муин Насафий макбаралари, Навоий вилоятидаги Нурута зиёрат-гоҳи ва бошқа қадимжолар қайта-дан тўлиқ таъмирланди.

Самарқандда Имом Бухорий но-мидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Сурхондарёда Имом Тер-мизий илмий-тадқиқот маркази таш-кил этилди. Самарқанддаги Имом Бухорий илмий марказида ҳадисчу-нослик, Имом Мотуридий маркази қошида қалом илими, Фарғонадаги Марғиноний илмий марказида фикҳ мактаби, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қаш-қадарёдаги Абу Муин Насафий мар-казида ақида илми мактаби ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ бунёд этилаётган Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислom цивилизацияси марказида аждодларимизнинг улкан маънавий мероси, жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш ишлари бошлаб юборилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўй-ча Ҳаракатлар стратегиясида диний бағрикенглик ва миллатлараро то-

Бугунги кунда бутун дунё, аynиқса, ислом ҳам-жамяти даврининг таҳликали таҳдидлари билан юзма-юз турибди. Ислom динини сиёсийлашти-риш ва мусулмон ёшларни радикаллаштириш борасидаги уринишлар бундай хатарларни ўта жиҳдий таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга муно-сиб жавоб беришни тақозо этмоқда.

Дунёдаги айрим доиралар исломга қарши қай-фиятни кучайтирган ҳолда, ислом динини терро-ризм мафқураси билан боғлашга уринаётганини минг афсус билан қайд этишга тўғри келади. Бу омил ислом оламида янада жиҳслашишга қорла-моқда. Ислom ҳамжиҳатлиги жаҳондаги кескин-лиқни юмшатишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятла-римизнинг муҳассам манбаи сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз буюк динимизни зўравонлик ва қон тўқш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон му-роса қила олмаймиз. Ислom дини бизни эзгулик ва тинчликка, ҳаётда асл инсоний фазилатларни қарор топтиришга даъват этади.

Шу муносабат билан, фақат барча мусулмон мамлакатлари билан биргаликда энг муҳим ва-зифани, яъни, улуг аждодларимиз диний-маъ-навий меросининг ажралмас қисми бўлган му-сулмон ахлоқ-одоб қоидаларини, жумладан, мўътадиллик, муроса қилиш, тинчлик-хотирхам-лик ва бир-бирини ўзаро тушуниб яшашга инти-лиш каби олижаноб фазилатларни асраб-авай-лаш ва бугунги реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда бутун жаҳон ҳамжамятига етказишдек го-ят муҳим вазифани ҳал қилишимиз мумкин, деб таъкидлаш ўринлидир.

Кадрли дўстлар!

"Ислom ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озар-байжон мисолида" ҳаққаро конференцияси ис-лом динининг асл қадриятларини асраб-авай-лаш, мусулмон давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларнинг раванқ топиши ва фаровонликка эришишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилишига ишонаман.

Анжуман иштирокчиларига мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва омонлик ҳамда конференция иши-нинг самарали бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

бирга тинч-тотув яшаб, Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

"Ислom ҳамжиҳатлиги: Ўзбеки-стон ва Озарбайжон мисолида" мав-зuidaги халқаро конференция икки кардош халқнинг менталитети, ин-тилишлари ҳамоҳанг эканини яна бир бор намоён этди.

Маъзур анжуман Ўзбекистон ва Озарбайжонда тарихан шаклланган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, тинчлик ва осойишталик-ни қадрлаш, динлараро бағрикен-глик ва ҳамкорлик гояларини омма-лаштириш, халқларимиз, аynиқса, ёш авлодни ёт гоялардан ҳимоя қилиш, эришлган ижобий натижа-ларни кенг тарғиб этиш мақсада-рига қаратилди.

Конференцияда Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида дин ва эти-қод эркинлиги, динлараро мулоқот, диний ва миллий қадриятлар, экстремизм ва терроризмнинг оғир оқибатлари, уларнинг жаҳон ҳамжа-мяти тинчлик ва барқарорлигига таҳдиди ҳамда уларга қарши кура-шиш асослари каби мавзулар юза-сидан маъруза ва муҳоказалар бўлиб ўтди.

Анжуман мамлакатларимизнинг ислом динининг бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик гояларига, динлараро мулоқот аъналарига содиқлигини намоён этиб, бугунги куннинг дол-зарб ҳавф ва таҳдидларига қарши муштарак муносабат ишлаб чиқил-ди.

Халқаро конференция Ўзбеки-стон ва Озарбайжон ўртасидаги ил-мий-маданий ва диний-маърифий соҳалардаги ҳамкорлиқни янада юк-сак даражага қўтаришга хизмат қилади. Дунё жамоатчилигига ис-лом динининг тинчликпарвар, яра-тувчанлик моҳиятини етказишга ҳисса қўшади.

Анжуман якунида конференция Коммоникеси қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазир А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Давлат маслаҳатчиси Р.Ко-милов иштирок этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” ХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА



“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан мамлакатимиз олий ўқув юрларида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” хоналари ташкил этиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа юртимизда амалга ошириладиган кенг қўлмали ислохотлар жараёнида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш мақсадида ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Тошкентдаги Инҳа университети ректори С.Бобоҳўжаевнинг айтишича, мамлакатимизда амалга ошириладиган Ҳаракатлар стратегияси ҳаёtimизнинг барча жабҳалари, жумладан, таълим тизими ва ёшларга оид давлат сиёсатини такомил-

лаштириш, шунингдек, демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ёшларнинг ўрнини мустаҳкамлаш масалаларини қамраб олган Ўзбекистонни янада ислох этишнинг комплекс дастури ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан “Ўзбекистонда нанотехнологияларни ривожлантириш истиқболлари” мавзuida семинар ўтказилди.

НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ва бошқалар мамлакатимизда таълим соҳасида амалга ошириладиган кенг қўлмали ислохотлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз илм-фани олдига қўйилган долзарб вазифаларнинг амалга оширилиши илмий тадқиқотлар етакчи маркази ва инновацион гоғлар ижодкори сифатида Фанлар академияси фаолиятини тубдан ислох этишни кўзда тутди. Бу эса академик илм-фани янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш, иқтисодиётимиз эҳтиёжларига

мос ва жаҳон бозорида муносиб рақобатлаша оладиган махсулотлар ишлаб чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, инновацион фикрлаш қобилиятига эга янги авлод илмий кадрларини тайёрлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари томонидан яратилган янги материаллар ва нанотехнологияларга оид илмий тадқиқотлар, ишланмалар аграр соҳа, тиббиёт, фармакология, полиграфия, энгил саноат ва тўқимачилик, автомобилсозлик, ишлаб чиқариш, электроника, биология, тиббиёт, энергетика, материалшунослик ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Семинарда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш учун янги технологияларни жорий қилишда жаҳоннинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ёш олимларнинг илмий ишланмаларини қўллаб-қувватлаш, инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Ш.МАМАТУРОВА

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ

Бахтимиз қомуси бўлган Конституция энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди. Конституциямизда адолат, маънавият, ҳақиқат ва одиллик, миллий, ахлоқий қадриятлар, умуминсоний гоғлар каби мезонлар талабидоги муҳим қоидалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, энг аввало, халқ манфаатидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Бош қомусимизда қайд этилганидек, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Мамлакатимиз Асосий қонунининг жамиятимиз тараққиётда, инсон ҳуқуқларини, унинг манфаатларини ҳимоя этиш, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизларини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахснинг билим олиш, меҳнат қилиш, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорликдаги иштиёқлардан фойдаланиш каби ҳуқуқларини кафолатлашда тугган ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этган Конституциямиз – бахтимиз пойдеворидир. Бугун жамиятимиз қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлса, унинг пойдеворидо Конституциямиз – буюк ҳаёт қомусимиз турибди.

Ёшларнинг яшаш, ўқиш, моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланиш каби ҳуқуқлари реал қонуний асосга қўйилган жамиятдагина шахснинг эркин, фаол инсон сифатида фаолият кўрсатишига имконият яратилади.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларда юксак

Университетда ташкил этилган “Ҳаракатлар стратегияси” хонаси мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, шунингдек, уларга асос бўлган меъёрий-ҳуқуқий база ҳақидаги материаллар ва ахборотлар билан таъминланган. Бу ерда, шунингдек, “Ҳаракатлар стратегияси” кўнгилли гуруҳларига талабаларни жалб этиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилади. Иштирокчилар Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини тушунириш ва тарғиб қилишга бағишланган тадбирларнинг ёритилиши, сўровлар ўтказиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш, семинар ва тренинглар ташкил этиш билан шугулланади. Бу, ўз навбатида, ташаббускор ва ижодий салоҳияти юксак ёшларни аниқлаш имконини беради.

**Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири**



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Олмалик шаҳрида “ЎзЛиДеп – тадбиркор аёллар манфаатлари ҳимоячиси” мавзусида амалий мулоқот ўтказилди. Мулоқотда соҳада мавжуд ютуқ ва камчиликлар, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбиркор хотин-қизлар фаолиятига тўсиқ бўладиган гоғларни бартараф этиш, уларни тадбиркорликка янада кенг жалб қилиш юзасидан фикр алмашилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонунлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

● Андижонда Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи ташаббуси билан журналист Султонбой Дехқоновнинг “Улуғимсан, Ватан!” деб номланган шахсий фотокўргазмалари ташкил этилди.

● Самарқандда германиялик фольклоршунос олима Габриэле Келлер ҳамда профессорлар Хуррам Раҳимов ва Маматкул Жўраев ҳаммуаллифлигида яратилган икки жилдди “Сехрли ўзбек эртақларининг типологик каталоги” китоби тақдими бўлиб ўтди. Ўзбек ва немис фольклоршуносларининг ўн йиллик илмий ҳамкорлиги натижасида яратилган ушбу китоб немис тилида нашр этилган.

● Наманган вилоятининг Тўрақўрон тумани Кумидон қишлоғида “Замин саховати” совитиш ва музлатиш омборлари мажмуаси иш бошлади. “Композит Панел Сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Mega trading progress” ҳамда “Selvir max bos milk” хусусий корхоналари ҳаммуассислигида барпо этилган мажмуанинг ҳар бири 100 тонна қишлоқ хўжалиги махсулотини сақлаш қувватига эга 25 камерадан иборат. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мажмуада бир вақтнинг ўзида 2 минг 500 тонна мева-сабзавотни сақлаш мумкин.

ЖАҲОНДА

● Ирландияга “Офелия” бўрони хуружи катта талафотлар келтирди. Хусусан, дарактнинг кулаши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди, 350 мингдан ортиқ уйлар электр қувватидан узилиб қолди. Дублин шаҳрининг халқаро аэропортида юздан ортиқ рейслар бекор қилинди, мактаблар, олий ўқув юртлири ва расмий муассасалар ёпилди.

● Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида Марказий Осиё давлатларининг 7-савдо форуми бўлиб ўтмоқда.

● Бир неча ойдан буён биринчи марта ёмғир ёғиши Португалияда 350 минг гектар ўрмонни кул қилган, 40 дан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлган кучли ёнгинларни бирмунча жилвотлаб олишга имконият яратди.

● АҚШнинг Мэриленд полициясининг маълум қилишича, бизнес-паркда бўлиб ўтган отишма чоғида уч киши ҳалок бўлган, икки нафар одам жараланган. Ушбу жиноятни амалга оширишда айбланган гумондор шахс қўлга олинган.

ОТАМЕРОС ҲУНАРНИ ЭГАЛЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

дейди ҳунарманд Акмал Азларов

Мамлакатимизда миллий-маданий меросимиз, жумладан, ҳунармандликни янада ривожлантириш, ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз бериш ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёғоч ўймакорлиги устаси Акмал Азларов ва унинг шоғирдлари тайёрлаган махсулотлар пойтахтимиздаги Олий Мажлис биноси, Темурхон тарихи давлат музейи, Ҳазрати Имом мажмуаси, “Миллий либослар” галереяси, Хотира майдони ҳамда Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасини безаб турибди. “Истиклол” санъат саройи, “Зомин”, “Чотқол” санаторийлари, Олмаликдаги маданият марказидаги эшиклар ва паноларни безашда иштирок этган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони халқимизнинг қадимий ва ноёб маданиятини янада ривожлантириш, миллий ҳунармандлик махсулотларини кенг тарғиб этиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда бугунги кунда халқ амалий санъатининг қандакорлик, ўймакорлик, ганчкорлик, мисгарлик, пичоқчилик каби 30 дан ортиқ тури ривожланмоқда. Айниқса, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент

вилоятлари ҳунармандчилик мактабларининг довуғи чет элларда ҳам машҳур.

Пойтахтимиздаги Бароқхон мадрасаси ҳудудидо жойлашган дўкон-устахонага кириб борарканмиз ёғоч ҳиди димоғимизга урилди. А.Азларовнинг устахона тоқчаларида териб қўйилган ишлари – стул, саккиз қиррали миллий курси, турли ўлчамдаги лавх, қаламдон, лаган, сандиқ, панноларда миллий санъатимиз аънавалари акс этган. Уларга туширилган қуёш, кўна қадамжолар, қушлар, жониворлар, гулларнинг нақшларини кузатаркансиз қалбингизда халқимизнинг тарихи минглаб йилларга бориб тақалладиган маданияти ва қадриятларидан фахрланиш ҳисси жўш уради.

– Ёғоч ўймакорлигига 12 ёшимдан қизиқа бошлаганман. Илк марта панно ва кийим илғич ясаганимда ўзимни шу ҳунарга бағишлашим кераклигини англаганман, – дейди А.Азларов. – Ҳунармандлик бизга бобомерос, отамерос. Мен ва икки укам шу ҳунарнинг бошини тутиб кам бўлмадик. Машҳур ёғоч ўймакори Ортиқ Файзуллаевдан ёғочга нақш туширишнинг нозик сирларини ўргандим. Касбим билан бир кун шугуллан-

масам худди нимамандир йўқотгандек бўлиб юраман. Касбим ҳаётимнинг мазмунига айлانган.

– Халқ амалий санъатининг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланадиган ёғоч ўймакорлиги ўзига яраша мураккабликлардан иборат, – дейди устанинг укаси Анвархўжа Азларов. – Ёғочга ишлов бериш жараёнида инсондан сабр-тоқат, кунт ва нозик дид талаб қилинади. Машаққат билан яратилаётган санъат намунаси салгина қалтис ҳаракат туфайли ҳам зарар қўриши мумкин. Акам касбимга нисбатан ҳалол ва меҳрли бўлишимни доимо ўқтиради, сабаби ҳар бир буюмни яшаш жараёнида қалбингиз кечинмалари, ният ва истагингиз унга кўчади.

А.Азларов қатор кўргазмаларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллаган. “Ташаббус – 1998” кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринга муносиб топилган. Унинг асарлари 40 дан ортиқ хорижий давлатда кўргазмаларда намоиш этилган. “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси.

Дўкон тоқчаларидаги ўта нафислик билан безатилган лаганлардан бирини қўлга олиб, унинг қандай ясалганига қизиқдик.

– Устозларим ёғочга ишлов бериш учун уни аввал ўн йил қуритиш керак, деб кўп айтишарди. Буюмларни яшашга асосан табиий қуритилган оқ, ёнғоқ, ўрик дарактларининг ёғочларидан фойдаланамиз, – дейди Акмал ака. – Бу ёғочларнинг фактураси, ёғиллик ҳолати сайқал бериш, лақлаш, жило бериш, пардозлашга жуда қўлай. Ёғочни қуритиш ҳам ўзига яраша эътиборни талаб қилади. Шошма-шошарлик билан қуритилган ёғочдан ясалган махсулотлар сифатли бўлмайди. Ёғочлар салқин, шамол тегадиган жойда сақланиши керак.

– Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида барча соҳалар қаторида бебаҳо меросимиз ва миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар натижасида миллий ҳунармандчилигимиз ҳам тобора гуллаб-яшнамоқда, – дейди уста. – Бугун ҳунар эгалламан, аждодларим йўлини давом эттираман, деган ёшларга барча имконият яратилган. Ҳар бир истеъдод эгасининг ижоди қўллаб-қувватланмоқда.

Гулноза БОБОЕВА



Оилалар мустаҳкамлиги – жамият равнақи

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида пойтахтимизда барча соҳаларда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни тўлиқ рўёбга чиқариш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қарорга кўра бир қатор йўналишларда секторлар раҳбарларининг асосий вазифалари белгиланган бўлиб, барча соҳаларни янада яхшилаш ва тақомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларга муҳим аҳамият берилмоқда. Бу Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан олиб борилаётган ишларга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова билан суҳбатимиз ҳам туманларда хотин-қизлар кўмиталари бошчилигида фаолият олиб бораётган Жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишларнинг сарҳисобига бағишланди.

– Фарида Йўлдошевна, ҳаммамизга маълумки, секторлар орқали амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий вазифалар аниқ белгиланган. Жумладан, маҳаллаларда уйма-уй юриш ва аҳоли билан суҳбатлашish асосида, оилалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўйилганлиги ҳолда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

– Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил 12 августдаги 1058-сонли ҳамда 18 августдаги 1105-сонли қарорлари қабул қилиниб, Тошкент шаҳрида шаҳар ҳокими, прокурори, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати раҳбарлари бошчилиги қилаётган тўртта сектор ташкил этилди. Мазкур секторлар орқали амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий вазифалар белгиланди. Жумладан, маҳаллаларда уйма-уй юриш ва аҳоли билан суҳбатлашish орқали оилалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жамоатчилик назорати гуруҳи аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 25 январдаги 10/10-11-4-сонли хати, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 январдаги 01-Б-14-сонли баёни топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 31 январидан бошлаб, уйма-уй юриш орқали оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш юзасидан ишлар бошланган. Президентимизнинг бу борадаги қарори қабул қилинганига қадар Жамоатчилик гуруҳлари томонидан беш юз мингдан ортиқ хонадонлар ўрганилиб, 73,042 та муаммолар аниқланган ҳамда уларнинг ечими юзасидан ишлар ташкил этиб келинаётган эди. Муаммоларнинг аксарият қисми, аниқроғи 62 мингдан зиёди жойида, яъни маҳаллаларнинг ўзида ҳал этилди, қолган муаммолар туман ва шаҳар дастурларига киритилиб, ечимини топди. Жумладан, 4,615 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди, 1,827 та кенчиктирилган иш ҳақи ва пенсия тўловларини тўлаб беришда ёрдамлашилди. 777 нафар хотин-қизларга банклар орқали имтиёзли кредит берилишига амалий ёрдам кўрсатилди, 7,281 нафар фуқародан 2,5 млрд. сўм миқдордаги алимент пуллари ундирилди. 1,336 та оилалар яраштирилди ва бу оилалардаги 1,487 нафар вояга етмаган фарзандларнинг нотўлиқ оилада тарбияланишининг олди олинди. 227 та хотин-қизлар жинояти ва 41 нафар суиқасд ҳолатларининг олди олинди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида олиб борилган ишлар борасида ҳам маълумот берсангиз.

– Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори асосида шаҳарлар ва туманларда ташкил этилган 4 та сектор раҳбарлари бошчилигида амалга оширилаётган ишларда, айниқса Жамоатчилик назорати гуруҳларининг ҳамкорлигидаги фаолияти муҳим ўринга эга. Жумладан, қарор қабул қилинганидан кейинги ўтган икки ой давомида гуруҳ аъзолари томонидан 505 та маҳалладаги: 133,038 та хонадонларга кириб борилиб, улардаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича 3,599 та муаммолар аниқланди ва шулардан 3,279 таси, яъни 91 фоизининг ечимини топишда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Олиб борилган ишлар доирасида 1,252 нафар банд бўлмаган хотин-қизлар аниқланиб, улардан 968 нафарининг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, 25 нафар аёллар тадбиркорликка жалб этилиб, уларга 357 млн. 900 минг сўмлик микрокредитлар олишга амалий ёрдам кўрсатилди. 746 нафар соғлиғида муаммоси бўлган хотин-қизларга даволашда кўмак берилди. Суднинг ҳал қилув қарори бўла туриб, алимент пулини тўламаётган 88 нафар фуқаролар аниқланиб, уларнинг 63 нафаридан қарийб 75 млн. сўм миқдордаги алимент пуллари ундирилишига эришилди. Келинларни турмуш ўртоғининг уйига қиритиб қўйиш бўйича суднинг ижро ҳужжатлар жамланмоқда, ижроси таъминланган 67 та ҳолат аниқланиб, уларни уйга қиритилишига шароит яратилди. 926 нафар доимий рўйхатсиз яшаётган аёллар аниқланиб, улардан 162 нафари рўйхатга қўйилди. 578 нафарини рўйхатга қўйиш учун ҳужжатлар жамланмоқда, қолган 186 та оиланинг мулк эгалари бўлган оила аъзолари билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Турли сабабларга кўра, келинлик уйдан аразлаб, қизлик уйда яшаётган 188 нафар келинлар аниқланиб, улардан 172 нафари яраштирилди ва оилаларнинг барқарорлиги сақлаб қолинди. Мазкур оилалардаги 225 нафар вояга етмаган фарзандларга тўлиқ оилаларда яшаш имконияти яратилди. Шунингдек, турли оилавий муаммоларга тўғрйли яхшилаш арасида турган 452 та оилалар билан олиб борилган суҳбатлар натижасида ажрим ҳолатларининг олди олинди ва улардаги 566 нафар вояга етмаган фарзандларнинг нотўлиқ оилаларда вояга етишига чек қўйилди. 48 нафар хотин-қизлар ўртасида ва шундан 10 таси вояга етмаган қизлар орасида суицид ҳолатларининг, 19 та вояга етмаганлар ўртасидаги ва 29 та аёллар жиноятларининг олди олинди.

– Оилалардаги ажримларнинг олдини олиш, тиррик етимига айлиниши эҳтимоли бўлган қоракўз фарзандларимизнинг бахтли болалигини ҳимоя қилиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Оила – муқаддас қўрғон, жамиятнинг таянчи ҳисобланади. Уни асраб-авайлаш, кўз қорачиқдек асраш барчамизнинг вазифамиздир. Олиб борилаётган

ган амалий ишларда айниқса, оилавий ажрим ҳолатларининг олдини олиш борасида Фуқаролик судлари билан ҳамкорликдаги ишлар натижасида никоҳдан ажратиш юзасидан кўрилган ишлар бўйича оилавий ажримлар сони 1,449 тага (ўтган йили 2,679 та, бу йил 1,230 та ҳолат бўлган), ажрим бўлган оилалардаги вояга етмаган фарзандлар сони бўйича 2,151 нафарга қамраб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 октябрда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитидаги чиқишда бугунги глобаллашув жараёни шароитида долзарб масалалар қаторида оила институтини мустаҳкамлаш, бунда, айниқса, ўсиб келаётган авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида тўхталди. Ушбу соҳадаги ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида келгуси йилда Ўзбекистонда “Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли” мавзусида халқаро конференция ўтказишни тақдир қилди. Эътиборли жиҳат, саммит уқунда Оила институти ва аънавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёнот ҳам қабул қилинган барчамизни қувонтирди.

ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРА БЕРАДИ



Яна бир муҳим қадам – бу яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси йиғилишида иккинчи ўқишда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси миллий қадриятлардан келиб чиқиб, ажралишларнинг олдини олиш, шу жумладан, бу борада маҳаллаларнинг ролини кучайтиришни назарда тутиши билан аҳамиятлидир. Зеро, таҳлил ҳамда амалиёт натижалари фуқаролар йиғинлари яраштириш комиссияларининг оилавий низо-ларни судга қадар кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти самарали бўлаётганидан далolat бермоқда.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, Оила кодексига суд ҳамда ФХДЭ органлари томонидан уларнинг иш юри-тувида никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларнинг мавжудлиги тўғрисида уларни яраштириш учун муай-ян қоралар қўриш бўйича яраштирув комиссиялари-ни хабардор қилиш механизми киритилмоқда. Шунингдек, Олий Мажлисининг қўйи палатасида Оила масалаларини ўрганиш мақсадида Оила комиссиясининг ташкил этилиши, таъкидлаш лозимки, қўллаб муам-моли, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган оилалар-ни мустаҳкамлашга, яраштирилишига ва сақлаб қоли-нишига катта ҳисса қўшади, албатта.

Яқинда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қо-шидаги “Нуроний онахонлар” уюшмасининг ташаббуси билан Мирзо Улугбек туманининг “Дархон” МФЙда ташкил этилган “Бувижонлар мактаби”нинг тажриба-си шаҳардаги барча маҳаллаларга тасвир этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг тав-сияси билан барча маҳаллаларда, таълим муассаса-ларида, қорхона ва ташкилотларда “Қизларжон” клуб-лари ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси қизлари-мизнинг ҳам маънавиятини, ҳам маърифатини янада такомиллаштиришда, уларни жамиятнинг фаол аъзо-си бўлишда муҳим омил бўлади, деб умид қиламиз.

– Тўй-ҳашам ва бошқа оилавий маросимларни ихчамлаштириш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Тўй-ҳашам ва бошқа оилавий маросимларда даб-дабозликнинг олдини олиш борасида пойтахтимиз-да маҳаллалар кесимида ўтказилаётган тадбирларда ортиқча сарф-харажатларга олиб келаётган ҳолатлар чу-қур таҳлил қилиниб, уларни ихчам ҳолда ўтказиш бўйи-ча тартиб ишлаб чиқилди ва Тошкент шаҳар ҳокими-нинг 2017 йил 18 июлдаги 104-Ф-сонли фармойиши билан тасдиқланди. Қуни кеча Ўзбекистон Республика-си Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева раислигида таниқли санъ-аткорлар, ёзувчи ва шоирлар, аънава ва маросимш-нос олимлар, театр актёрлари, кинорежиссёрлар, Тош-кент шаҳри ва туманлар хотин-қизлар кўмитаси раис-лари, тўйхона раҳбарлари ва фаоллар иштирокида тўй ва оилавий маросимларни ихчамлаштириш бўйича те-гишли чора-тадбирларни амалга ошириш масаласи му-ҳокама этилиб, зарур вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Жамоатчилик назорати гуруҳи аъзола-ри ҳамда 505 та маҳалла фуқаролар йиғинларида таш-кил этилган “Қайноналар кенгаши” жамоатчилик ту-зилмаси томонидан олиб борилаётган амалий тад-бирлар ҳам бу соҳада муҳим ўрин эгалламоқда.

Жумладан, “Қайноналар кенгаши”нинг мақсад ва ва-зифаларидан келиб чиқиб, улар таркибига маҳалла-да истиқомат қилувчи энг намунали, обрў-эътиборга эга бўлган онахонлар, шунингдек, руҳшунослар, оли-малар, отинийлар киритилиб, уларнинг асосий эъти-бори маҳаллалардаги уй бекалари, оила қуриш ёш-идаги ўғил-қизлари бўлган хонадонлардаги ота-оналар, янги келин туширган хонадонлардаги ёш қайноналар билан амалий тадбирлар ташкил этишга қаратилмоқ-да. Бу оилалар билан оила – муқаддас даргоҳ экан-лиги, уни асрашда миллий қадриятларга таяниб иш

қуриш лозимлиги, қайнона-келин муносабатлари каби мавзуларда суҳбатлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, тўй қилиш арасида турган оилалар-да тўй ва бошқа маросимларни ортиқча дабдабалар-сиз, ихчам тарзда ташкил этиш лозимлиги, исроф-гарчиликларга йўл қўймаслик борасида тарғибот иш-лари кенг йўлга қўйилди. Жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбек миллий академик драма театрида Тош-кент шаҳридаги оилаларда ижтимоий-маънавий му-ҳитни соғломлаштириш, оилавий ажримларнинг ол-дини олишга қаратилган “Қайноналар кенгаши” жа-моатчилик тузилмасининг фаолиятига оид “Қайнона-лар анжумани” доирасида “Келин ҳам бировнинг жон-дек боласи” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Бундан қўзланган мақсад пойтахтдаги оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, оилаларнинг ижтимоий-маънавий ва моддий ҳолати-га салбий таъсир кўрсатаётган, шунингдек, ажримга-ча олиб келаётган тўй-ҳашам ва бошқа оилавий ма-росимлардаги дабдабозлик, исрофгарчилик ҳолат-ларининг олдини олиш ва уларни ихчамлаштириш, қайнона-келин ўртасидаги ижобий муносабатларни тарғибот этишдан иборат эди.

Тадбирда оиласида турли муаммолари бўлган 500



дан ортиқ қайноналар, нотинч, ноқобил, суицид ёки жиноят содир этиши мумкин бўлган оилалар вакилла-ри, шунингдек, психолог ва оилашунос олимлар, санъ-аткорлар, турли соҳа вакиллари, жами 700 га яқин иш-тирокчилар қатнашди. Унда оилаларда учраб турадиган, ажримларга сабаб бўлаётган салбий ҳолатларга оид ҳаётий саҳна кўринишлари намойиш қилиниб, так-лиф этилган қайноналар, айниқса муаммоли оилалар-даги қайноналар ўзларига тегишли хулосалар олган-ликларини, бундай тадбирлар кўпроқ ўтказилиб турил-са, ўзларига ўхшаган ўз хатосини англамай, фарзанд-лари оиласининг бузилишига сабабчи бўлиб қолаёт-ган қайноналарга, шу билан бирга, оила муқаддас дар-гоҳ эканлигини тушулмаган ҳолда, арзимаган сабаб-лар билан ажрашиб кетаётган ёшларга катта ҳаётий мактаб бўлиши мумкинлигини билдирилди.

Тадбирда энг фаол иштирок этган ҳамда 11 та ту-манда энг намунали деб топилган қайнона ва келин-ларга Тошкент шаҳар ҳокими, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитасининг ташақкурномалари ҳамда эсда-лик совғалари топширилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов то-монидан тасдиқланган, дабдабали тўй ва маъракалар-нинг олдини олишга қаратилган мулоқотлар ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар режаси асосида шаҳримиз-нинг 11 та туманида шундай тадбирлар ташкил этил-ди. Уларда туман ҳокимликлари ва хотин-қизлар кўми-талари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” каби жамоат ташкилотлари, диний идора вакиллари шу масалалар бевосита масъул бўлган жами 5,500 дан ортиқ кишилар иштирок этди.

Тадбирларда тўйлардаги дабдаба, исрофгарчилик, келин-куёвларнинг либослари, уларнинг маънавияти-мизга зид ҳолда вальсга тушиши, “келин навкар”, гул отиш, овоз кучайтиргичлар билан боғлиқ муаммолар-нинг олдини олиш бўйича муҳокамалар ўтказилиб, қўллаб тақлифлар, жумладан, тўй ва маросимларни дабдабали, манманлик билан ўтказган фуқароларни жаримга тортиш масаласини кўриб чиқиш тақлиф-лари билдирилди.

Шу билан бир қаторда, шаҳримиздаги барча 505 та маҳаллада 13-17 ёшли қизларнинг рўйхатлари шакл-лантирилиб, улар билан дабдабали тўйдан кейин оилаларда рўй бериши мумкин бўлган ноҳуш ҳолат-лар, эрта турмуш ва эрта туғруқнинг салбий оқибат-ларини тушунтириш мақсадида уларнинг ота-онала-ри ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва психологлари билан ҳамкорликда тур-ли маънавий-маърифий тадбирлар, яъна тартибдаги суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Чунончи, “Менинг қизим турмушга тайёрми?”, “Оиладаги сир-синоят-лар”, “Қизимнинг келажиги қорлоқ бўлиши учун нима қилишим керак?” каби мавзуларда мингдан ортиқ дав-ра суҳбатлари ташкил қилинди.

Тошкент шаҳар ва туман Жамоатчилик кенгашлари таркибиде бўлган бош отинийлар билан ҳамкорлик-да тўй-ҳашам, турли маросим ва бошқа оилавий тад-бирларни исрофгарчиликларсиз ўтказиш юзасидан 884 нафар тўй қилаётган фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилди ва бу маросимларнинг ихчам тарзда ўтқа-зилишига эришилди.

“Олима аёл” уюшмаси билан ҳамкорликда шаҳри-миздаги 38 та олий ўқув юрларида фаолият юрита-ётган 2 мингга яқин олима аёллари ўзлари истиқо-мат қилаётган маҳаллаларга бириктириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бунда уларнинг ўзлари яшаётган маҳалла фаоллари билан узвий алоқа ўрнатиш ва ма-ҳаллалардаги жамоатчилик назорати гуруҳларига оила-ларни ўрганиш жараёнида дуч келинаётган муаммоли масалаларнинг ҳал этилишида илмий нукта назардан ёндошиш, муаммоли оилалардаги ижтимоий-маънавий

вазиятни яхшилаш масалаларида тегишли амалий ёрдамлар кўрсатиш асосий мақсад қилиб олинган.

Шунингдек, шаҳар Адлия бошқармаси, ФХДЭ орган-лари билан ҳамкорликда 505 та маҳаллаларда “Сиз тўйдаги дабдабаларга нима дейсиз?”, “Никоҳ тузиш тартиби”, “Никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамия-ти”, “Никоҳ шартномасининг афзалликлари” каби мав-зуларда бир ярим мингдан ортиқ давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказилди. Бу тадбирларга 50 мингдан зиёд аҳоли, жумладан, оила қуришга ариза берган бўлажак келин-куёвлар ҳам қамраб олинди.

– Касб-хунар коллежлари битирувчилари банд-лигини таъминлаш ва уюшмаган қизлар билан ҳам самарали, ўзига хос ишлар амалга оширилмоқ-да. Бу ҳақда ҳам фикрларингизни билдириб ўтсангиз.

– 2016-2017 ўқув йилида Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежларини Тошкент шаҳрида доимий рўйхат-да бўлган 11,894 нафар қизлар тугалланган бўлиб, бу-гунги кунда уларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, келажакда бирор соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишлари учун бир қатор амалий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, улар-га ўзлари бириктирилган қорхоналарга ишга жойла-шишларида дуч келинаётган муаммоларни бартараф этиш, тадбиркор бўлиш истидагида қизларни ўзлари қизикқан йўналишда фаолият олиб боришлари учун бар-ча зарурий амалий ёрдамлар ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг август ойида Ф.Ғулом номидаги ма-даният ва истироҳат боғида “Қизлар – миллат кела-жаги” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилиб, унга Миробод, М.Улугбек, Олмазор, Учтепа ва Чилонзор туманлари маҳаллаларида истиқомат қилувчи 200 дан ортиқ уюшмаган қизлар жалб этил-ди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатла-ри, олима аёллар, шунингдек, тажрибали тадбиркор аёллар иштирок этди ва шу ернинг ўзиде қизлардан 70 га яқинининг бандлигини таъминлашига эри-шилди. Хусусан, “Аъло омад ривож” ХК томонидан 15 нафар қизларни оталиққа олиб, уларни ишга жой-лаштириш, хунар ўргатиш, “Ифратли келин” ўқув мар-кази томонидан 20 нафар, “Машхура” ўқув маркази томонидан эса 25 нафар қизлар имтиёзли равишда ўқитиш учун қабул қилинди.

Бундай тадбирлар қолган олти та туманларда ҳам ташкил этилиб, тадбирлар давомида 200 га яқин кол-леж битирувчилари ва маҳаллалардаги уюшмаган қиз-ларнинг бандлиги таъминланди.

– Диний-экстремизм оқимиға мансуб ва бугун-ги кунда махсус ҳисобдан чиқарилган хотин-қиз-лар билан олиб борилаётган ишлар қандай нати-жа бермоқда?

– Шаҳримизда билиб-билмай диний экстремизм оқимиға кириб қолган хотин-қизлар билан олиб бо-рилган тушунтириш-тарғибот ишлари, маънавий-маъ-рифий суҳбатлар натижасида энг асосийси, давлати-миз томонидан инсонпарварлик, кечиримлилик тамо-йилига амал қилиниб, адашганларга яна бир бор им-коният берилди. Бу аёлларга кўмак бериш мақсади-да уларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш, ҳал эти-лишида амалий ёрдамлар ташкил этиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка қизикқанлари бўлса, улар-га имтиёзли кредитлар олишларида ёрдам бериш, шунингдек, саломатлигини тиклашда амалий ёрдам-лар ташкил этилмоқда. Уларнинг оилаларида тарбия-ланаётган 518 нафар вояга етмаган фарзандларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлар олиб борилмоқда. Уларга масъуллар бириктирилиб, маҳаллалар ва таъ-лим муассасаларида ташкил этилган турли йўналиш-лардаги тўғарақларга жалб қилинмоқда. Бунда Тош-кент шаҳар ва туман ҳокимликлари, хотин-қизлар кўми-талари ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари то-монидан ҳамкорликда олиб борилган ишлар ўз сама-расини бермоқда.

Жумладан, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит-ни яхшилаш, адашганларни тўғри йўлга солиш мақ-садида шу йил Тошкент ислом университетида соҳа мутахассисларини жалб этишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда 11 та туманининг хотин-қизлар кўмитаси раислари, шаҳар ва туман бош отинийлари, Дин иш-лари бўйича кўмита, Муслмонлар идораси ва Тош-кент ислом университетида бириктирилган масъул-лар, шунингдек, 2006 йилдан 2017 йилгача бўлган вақт мобайнида Тошкент ислом университети “Тарих” ва “Диншунослик” йўналишлари бўйича тугалланган хотин-қизлар иштирок этдилар. Йиғилиш давомида соҳа мутахассислари яшаш манзилларига кўра, туманлар-га, маҳаллаларга бириктирилиб, улар томонидан ўзла-рига бириктирилган туманларда муаммоли оилалар ва уларнинг фарзандлари билан ишлаш жараёнида дуч келинаётган муаммоларнинг ҳал этилишида ту-ман Жамоатчилик назорати кенгаши аъзоларига ама-лий ёрдамлар берилиши йўлга қўйилди.

Мазкур йўналишдаги ишларда самарали натижа-ларга эришишда Шайхонтохур, Олмазор ва Учтепа туманларида фаолият олиб бораётган “Аёллар масла-хат марказлари”нинг ўрни ҳам сезиларли аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугунги кунгача бу марказларга шаҳримизнинг 11 та туманларидан 9 мингга яқин хотин-қизлар мурожа-ат қилдилар. Муаммолар бўйича хотин-қизлар кўми-таси вакиллари, психологлар, олималар, тиббиёт хо-димлари, ҳуқуқшунослар ва ижро ҳокимияти вакилла-ри, шоирлар, эл севган санъаткорлар, диний идора вакиллари томонидан суҳбатлар ўтказилди. Шунинг-дек, маҳаллалардаги аёллар, таълим муассасалари-даги қизлар ўртасида китобхонлиқни тарғибот этиш, қийиниш ва муомала маданиятини такомиллаштириш бўйича суҳбатлар ташкил этилмоқда. Бугунгача 5 минг-дан ортиқ шундай тадбирлар ўтказилди. Шуни алоҳи-да таъкидлаш жоизки, ҳар бир олиб бораётган иши-мизда юртимизнинг тинч ва осийишта ҳаёти, халқи-мизнинг фаровон турмуши, оилаларнинг мустаҳкам-лиги ва энг асосийси, фарзандларимизнинг бахтли ва истиқболли келажиги муҳассамдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман деган кайфият билан ишлашининг вақти ўтди. Вазият ёмон, вазият оғир деб ўрганиб қолган-миз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартирди, деган са-волни келинг ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бер-майди”, деган кўрсатмаларини амалга оширишда ҳар биримиз қалб амри билан, виждонан ишлаганимиз ке-рак. Шундагина она Ватанимиз янада гуллаб-яшнай-ди, халқимиз бундан да фароғатли, саодатли ва бахт-ли ҳаёт кечиради. Дастурхоналаримиздан қўт-барақа, хонадонларимиздан эса файзу тароват, ризқ ва меҳр-оқибат аримайди.

– Мазмунли суҳбат учун миннатдорлик билди-риб, келгуси ишларингизнинг бардавомлигини ти-лаб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА суҳбатлашди

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Тошкент Тиббиёт академиясининг 1-босқич талабаларининг қасамёд қабул қилиш, "Талабалikka бағишлов" тадбири тантанали тарзда ўтказилди.

БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган маданий-маърифий тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этдилар.


Тадбир аввалида Тошкент Тиббиёт академиясининг иқтидорли талабаларининг илмий ишлари, яратган ихтиролари бўйича патентлари, ижодкорларнинг шеърӣ тўпламлари, китоблари ва ёш хаваскор расомларнинг кўргазмаси ташкил қилинди. Иқтидорли талабалар ўзларининг олиб бораётган илмий ишлари, яратган ихтиролари, ижодкор талабалар ёзган китоблари тўғрисида келган меҳмонларга сўзлаб беришди.

Тадбирни Тошкент Тиббиёт академияси ректори, профессор Лазиз Тўйчиев очиб, биринчи босқичга қабул қилинган талабаларни табриклаб, масъулиятли касб эгалари бўлиш шифокор бўлишлари учун тинмай ўқиш, изланиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг 1-босқич талабала-

рига улуғ бобокалонларимиз Ибн Сино, Ар-Розий, Имом Бухорий, Ал-Фарғоний битиклари ва китоблари рамзий маънода тақдим қилинди. Магистратура босқичини аъло баҳолаб ботириб кетган ёш мутахассислар 1-босқич талабасига рейтинг дафтарчасини топширди. Тадбирнинг асосий қисми талабаларнинг қасамёд қабул қилиш маросими билан бошланди.

Шундан кейин Тошкент Тиббиёт академияси маданият уйи жамоаси, Ўзбекистон маданият ва санъат институти ва Консерватория талабалари томонидан ижро қилинган ашула ва рақслар тадбир иштирокчилари ва талабаларга юқори кайфият бағишлади. Аслини олганда бу қасамёдни қабул қилишнинг тағида чуқур маъно ётади. Бу қасамёддаги ҳар бир жумла талаба қалбига мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат уйғотади, унинг тараққиёти йўлида фидойиликка, ўқиш давомида замонавий даволаш ва диагностика усулларини чуқур ўзлаштириб, юқори малакали шифокор бўлиш, даволаш санъатини ўз билимига таянган ҳолда беморлар манфаатига қаратиш, аҳоли ора-



сида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш, шифокор этикаси ва деонтологиясига амал қилишга қарайди.

Талаба қасамёдни қабул қила туриб шифокорлик касбининг қанчаллик олийжаноб ва фахрли касб эканлигини бутун вужуди билан ҳис эта билиши керак. Бу фахрлиниш остида катта бир масъулият ва юк ётади, бу ҳам бўлса касбни эгаллашда машаққатли меҳнат, тиббиёт соҳасида чуқур билимга эга бўлиш, беморларнинг сийҳат-саломатлиги учун жавобгарлик, билим эгаллашда, ўз касбининг моҳир устаси бўлишда ҳар кун тинмай ўзи устида ишлаш юки ётади.

Талабанинг билим олиши учун юқори малакали мутахассис бўлиши учун давлатимиз томонидан барча

шароитлар яратилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида олий таълим тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилди.

Бу жараёнда профессор-ўқитувчиларнинг ҳам масъулияти катта. Авваломбор талабаларда Ўзбекистонда яшаётганлик ва Тошкент Тиббиёт академиясидек олий даргоҳнинг талабаси бўлганлик фахр туйғусини талабаларда уйғота олишимиз керак.

Ишончимиз қилган мақсадларига устозлари берган ўғитлари орқали эришадилар.

Ж. ХАЙТИМБЕТОВ,
Тошкент Тиббиёт академиясининг
даволаш факультети маънавият ва
маърифат ишлари бўйича декан
ўринбосари

Спорт янгиликлари

ҲАКАМЛАР УЧУН СИНОВ БЎЛДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ёш, истиқболли футбол ва футзал ҳакамлари учун ташкил этилган махсус синов-курслари якунига етди.

Этиборли жиҳати шундаки, ушбу синов-курсларида ҳамюртларимиз — Аҳрол Рисқуллаев, Дмитрий Пислегин ҳамда футзал ҳакамлари — Жамолддин Қосимов, Искандар Зоитов иштирок этишди. Шунингдек, тажрибали футзал ҳаками Шўхрат Пўлатов тадбирда тингловчи инструктор сифатида қатнашган бўлса, Осиё футбол конфедерацияси Ҳакамликни ривожлантириш бўлими бошлиғи — ҳамюртимиш Карине Мурадьян координатор ролини бажарди.

Махсус-синов курслари қатнашчилари фитнес-тест, видео-тест ва ўйин қоидалари бўйича имтиҳон топширишди. Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтганлар яна 2 марта имтиҳон топширишади ва якунда ОФК ҳаками мақомига эга бўлишади. Курсда яхши баҳо олган футзал рефериси ОФК ҳаками сифатида халқаро учрашувларни бошқаради.

Ақбар Йўлдошев

2017 йили апрелда ҳаваскорлар боксидан профессионал боксга ўтган ҳамюртимиш Фазлиддин Фойбазаров ўзининг навбатдаги жангини 9 декабрь кунини ўтказиши режалаштирилган эди.

КУЧЛИ БОКСЧИГА ҚАРШИ РИНГГА ЧИҚАДИ

Аввалроқ унинг бу тўқнашувда 35 ёшли россиялик Андрей Климовга қарши рингга чиқиши маълум қилинган эди, бироқ сўнгги олинган маълумотларга қараганда унинг рақиб ўзгарган. Энди боксчимиз бу

жангда маглубият нима-лигини билмай келаётган 24 ёшли америкалик Стивен Ортисга қарши рингга кўтарилади. Бу боксчи профессионал фаолиятини 2015 йилда бошлаган ва бугунча 7 марта рингга чиқиб, барчасини ғалаба билан якунлаган. Шуллардан иккитасида нокаут қайд этган. Жанг 9 декабрь кунини Нью-Йоркдаги мухашшама "Madison Square Garden" аренасида ташкил қилинади.

Б.ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш Маркази қуйидаги техника воситаларни сотиб олиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Компьютер1 i5 Монитор 24 – 1 дона. 6 500 000 сўмдан
Компьютер1 i3 Монитор 21 – 3 дона 5 200 000 сўмдан
Компьютер1 i3 Монитор 19 – 4 дона 4 500 000 сўмдан
Ноутбук i5 – 1 дона 8 500 000 сўмдан
МФУ Canon – 3 дона 2 200 000 сўмдан
Принтер Canon – 3 дона 1 600 000 сўмдан
Кондиционер GREE 12 – 10 дона 4 300 000 сўмдан
Маршрутизатор (ХАБ) 1 кп – 1 000 000 сўмдан
Батафсил маълумотлар учун (90) 956-03-01 телефонида кўрғироқ қилинг. Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

"Meridian Logistics" масъулияти чекланган жамияти хуқуқий шакли "Meridian Logistics" хусусий корхонага ўзгарганлигини маълум қилади. (ИНН 207121772) "Meridian Logistics" МЧЖга нисбатан даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқиладди. Тел: +99897 705-04-05

"ASIA OIL BUSINESS" МЧЖ (ИНН 207097296) устав фондининг 601 000 000,00 сўмдан 591 000 000,00 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади. Эътирозлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99894 660-66-61.

Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 29-мактаб томонидан 2006 йилда Холназарова Зийда Баҳром қизи номига берилган У№2278077 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Magistral Trans Group" масъулияти чекланган жамияти хуқуқий шакли "Magistral Trans Group" хусусий корхонага ўзгарганлигини маълум қилади. (ИНН 302412632) "Magistral Trans Group" МЧЖга нисбатан даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқиладди. Тел: +99897 705-04-05.

Олмазор туманидаги 15-умумтаълим мактабининг том қисмини мукаммал таъмирлаш мақсадида пудратчи ташкилотлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қўшимча маълумотлар учун: (+99871) 229-29-66. Манзил: Олмазор тумани, Бешкўрган-1.

Олмазор туманидаги 261-умумтаълим мактабининг иссиқлик тизимини мукаммал таъмирлаш мақсадида пудратчи ташкилотлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қўшимча маълумотлар учун: (+99871) 246-95-24. Манзил: Олмазор тумани, А.Ибрагимов, 4-уй

Олмазор туманидаги 22-умумтаълим мактабининг иситиш тизимини жорий таъмирлаш мақсадида пудратчи ташкилотлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қўшимча маълумотлар учун: (+99871) 227-35-27. Манзил: Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 26-уй

Олмазор туманидаги 134-умумтаълим мактабининг том қисмининг мукаммал таъмирлаш мақсадида пудратчи ташкилотлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қўшимча маълумотлар учун: (+99871) 229-32-96. Манзил: Олмазор тумани, Бешкўрган, 39-уй.

Олмазор туманидаги 326-умумтаълим мактабининг иссиқлик тизимини қисман таъмирлаш мақсадида пудратчи ташкилотлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қўшимча маълумотлар учун: (+99871) 246-81-11. Манзил: Олмазор тумани, Қорақамиш 3-уй.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

"Ўзсанатхуқуқийлик" АТБ Чилонзор филиали банк атрофида таъмирлаш ҳамда ички чироқларни замонавий LED лампочкаларига алмаштириш сотиб олиш мақсадида ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-мавзе, Меҳр кўчаси. Телефонлар: 276-43-39, 276-55-82.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади.

"PREMIUM WINDOW IMPEX" (303887603) хусусий корхонаси мулкдорининг 2017 йил 17 октябрь кундаги 9-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 1 000 000 000 сўм миқдоридан 475 000 000 сўм миқдоридан қайтарилиб, янги устав фондининг миқдори 525 000 000, 00 сўмни ташкил этади. Ариза ва мунозабатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Шайхзода кўчаси, 1А-уй.

Тошкент шаҳри Яққасарой тумани "ягона дарча" маркази томонидан 10.04.2017 йилда № 5054 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ISYOSH" МЧЖ (ИНН 304815097) тасисчиларининг 17.10.2017 йилдаги № 1 бошқарув қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99899 862-34-42.

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси Ўқув-услубий бўлим диспетчери

Тошпўлат Нигматович АХМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Юртимизда ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, электр энергияси, табиий газ етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишининг таъсирчан механизмларини яратиш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жавобгарлиқни қўчайтириш, ижро иши юритишининг самарадорлигини тубдан ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Махбурий ижро бюроси томонидан кенг қўламли ишлар олиб борилаётган.

Жумладан, биргина табиий газ истеъмолчиларига етказиб берилган энергия ресурси бўйича босқимча-босқим мониторинг қилинганда етказиб берилган табиий газ ҳамда истеъмол қилинган табиий газ учун тўлов ўртасида тафовутлар аниқланмоқда. Яъни истеъмолчиларнинг ҳондонидидаги ҳисобга олиш ускуналаридаги ҳақиқий кўрсаткич ва "Биллингга" дастурига киритилган кўрсаткичлар орасида тафовут аниқланмоқда. Бу эса ўз ўрнида норел қарадорлиқни келтириб чиқармоқда.

Бектемир туманида мавҳуд маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчасида энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, энергия ресурслари учун ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида тақдирномалар киритилди.

Электр-энергияси ва газ узатиш ҳамда электр, газ тақсимлаш тармоқларига ноконуний уланлиш, талон-тароҳ хатлатлари вужудга келишини бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш ускуналарига "МИБ" назорат тамгалари ўрнатилмоқда.

Шу билан биргаликда, истеъмолчиларнинг ҳисоб-лағич кўрсаткичларини хатловдан ўтказиш жараёнида, давлат инспекторлари ҳар бир истеъмолчига тўловларни ўз вақтида амалга ошириш борасида тушунириш ишларини олиб бормоқдалар.

Аҳоли билан бўлган учрашувларда асосий эътиборни юридик ва жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шартли, шунингдек, истеъмолчи энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар бўлиши ҳақида эслатиб борилаётган.

Бундан ташқари истеъмолчиларга энергия ресурсларини етказиб бериш 100 фоизлик олдидан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилиши ҳамда олдидан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мажбурий истеъмолчиларга нисбатан электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ ўзиш-гача бўлган чоралар кўрилиши мумкинлиги юзасидан тўлиқ тушунириш ишлари олиб борилади.

Яна бир ҳолат, яъни энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш хатлатлари бартараф этилгандан сўнг истеъмолчиларни энергия ресурслари тармоғига қайта улашда жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида ҳамда тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг, юридик шахслардан эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилиши ҳақида алоҳида тушунириш ишлари олиб борилаётган.

Шу билан бир қаторда, энергия ресурсларини етказиб бериш, истеъмол қилиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқнинг муқаррарлиги принциплари сўзсиз риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини, шунингдек, энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилламоқда.

Бу каби олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мисол учун, биргина юридик корхоналарнинг электр энергиясидан бўлган қарздорлиги 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига 1408,5 млн. сўмни, 1 август ҳолатига 1585,5 млн. сўмни, 1 сентябрь ҳолатига 1553,4 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 1159,2 млн. сўм, 1 август ҳолатига 727,2 млн. сўм, 1 сентябрь, ҳолатига 710,0 млн. сўмгача қайтарилган.

Бундан кўриниб турибдики, истеъмол қилинган энергия ресурсларидан вужудга келган барча қарздорликларни ўз вақтида бартараф қилинишида жойларда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари, амалга оширилган чора-тадбирлар истеъмолчиларнинг истеъмол маданиятини шаклланиши ва тўловларни ўз вақтида амалга оширишида яхши натижа бермоқда.

ИХТИР ЭҚБАРОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ
Тошкент шаҳар Бектемир тумани
бўлими бошлиғи

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 20 октябрь кунини ҳаво ўзарлиқ туради, ёғингарчилик бўлмайдди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кунду-

зи — 18-20 даража илақ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 20 октябрда

Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терижди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ